

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 2 февраль • № 5 (1182)

Хотира

ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИ ҚАЛЬЛАРИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов мақбараси очилди.

Мажмуанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов ўз васиятига кўра, Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида дафн этилган эди.

Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ерда Биринчи Президентимизнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги буюк хизматлариغا муносиб улғувор мақбара мажмуа бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқандга

ташрифлари давомида мажмуа қурилишининг бориши билан бир неча бор таънишди. Ушбу масканни юртимизнинг энг қутлуг қадамжоларидан бирига айлантириш, зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Шавкат Мирзиёев Ислам Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Тадбир иштирокчилари, мамлакатимизнинг барча жойларидан келган юрдошларимиз мақбарани зиёрат қилиб, гуллар қўйдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ислам Каримов ҳайкали пойига ҳам гул қўйди.

President.uz



Қарши шаҳрида Ислам Каримов ҳайкали очилди

Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Истиклол йилларида мамлакатимиз эришган барча ютуқ ва марралар Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ. Ислам Каримов мамлакатимизни жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган, мустақил ва мустақкам давлатга айлантирди.

...2018 йил 30 январь. Биринчи Президентимиз қатор йиллар меҳнат қилган Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри маркази. Атроф оппоқ қорга бурканган, осмон мусаффо. Муаззам бино тепасида давлатимиз байроғи хилпирайди.

Бу ерга Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, Қашқадарё вилоятининг кенг жамоатчилиги, талаба-ёшлар Ислам Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун йиғилган.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ислам Каримов Қашқадарё вилоятининг иқтисодиётини кўтариш, одамларни рози қилиш йўлида тиним билмай меҳнат қилди. Вилоят аҳли, ёши улғулар у кишининг меҳнасеварлиги, эзгу ташаббуслари ва беминнат ёрдамларини ҳамон унутишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимиз рафиқаси Татьяна Каримова Ислам

Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гуллар қўйилди, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Ислам Каримов бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилишининг чуқур уйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди.

Биринчи Президентимиз бошлаб берган оламшумул ислохотлар бугун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг ўзининг буюк фарзандига чексиз ҳурмат ва садоқатининг амалий ифодаси бўлди. Қарорда кўзда тутилганидек, Биринчи Президентимиз номи абадийлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди тузилди.

Тошкент шаҳар, Яшнобод туманининг Фарғона йўли кўчасидаги жомье масжидга "Ислам ота" номи берилди. Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов музейини ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Қарор ижроси доирасида Тошкент давлат техника университети, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, Тошкент халқаро аэропорти, Қорақалпоғистон Республикаси,

Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги марказий кўчаларга Ислам Каримов номи берилди. Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида у кишининг ҳайкали ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан мамлакатимиз бўйлаб маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилмоқда.

Маросимда Қашқадарё вилояти касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Эсонбой Ражабов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Қарши давлат университети доценти Абдурахим Эркаев, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва сўзга чиқиб, Ислам Абдуганиевич Каримов Қашқадарё халқини чексиз муҳаббат билан севгани, бу воҳани санoати ривожланган худудга айлантиргани, қолаверса, умрининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлагани, унинг сўнмас хотираси миннатдор юртошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолишини таъкидлади.

Шу кун Ислам Каримов ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Кенг жамоатчилик вакиллари Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

**Абу Бақир ҲОЗОВ,
ЎЗА.**

